АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ «САБЪАИ САЙЁР» ДОСТОНИДА ЕТТИЛИКЛАР СИММЕТРИЯСИ

Ҳ.БОЛТАБОЕВ

Автор статьи рассматривает симметрию числа семь как доминирующий структурообразующий принцип композиции дастана Алишера Навои «Сабъаи сайёр».

The author of the article considers the symmetry of the number 'seven' as a dominating structure forming principle in the process of composing 'doston' of Alisher Navoiy "Sab'ai Sayyor".

Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг туркий «Хамса»сига кирган тўртинчи достони "Сабъаи сайёр" бўлиб, бу муаззам достоннинг маъни ва сурати, унинг қатидаги сиру асрорларни англаш учун, аввало, асар муқаддимасига эътибор қаратмоқ лозим бўлади. Чунки кўп мумтоз достонларнинг ечими у асар ниҳоясидагина эмас, балки достон ибтидосидаёқ турли ишоратлар билан баён қилинган бўлади.

Достон ибтидоси саналмиш ҳамд қисмида ёзилишича, Аллоҳ таоло барча мавжудликларнинг ижодкоридир, яъни

Арз жирмин қилиб ети тақсим,
Айладинг ҳар бирини бир иқлим.

Аллоҳ борлиқни еттига тақсим қиларкан, унинг ҳар бирини бир иқлим қилиб яратгани достоннинг сўнгги байтидаги

Етти афлокини анга ёр эт,
Етти иқлим элин харидор эт! [1]

байти билан мустаҳкам боғлангандир.

Достоннинг ибтидосидан интиҳосигача, номланишидан ҳар бир ҳикоятнинг мазмунигача бўлган етти магик рақамининг моҳиятини тушунтириш йўлида ўзбек олимлари бир қатор ишлар қилишган. Жумладан, проф. С.Ҳасанов "етти" рақами достонда 90 марта қўлланилганини ёзади. Ҳатто достон ҳафиф баҳрининг етти кўринишида (вазнида) ёзилганини қайд этади [2]. Достондаги етти магик рақамининг қўлланилиш хусусиятларини ўрганганда, достондаги "етти"лар сони 90 та эмас, балки бу рақам 191 ўринда келганини кузатамиз.

Улар, асосан, *етти сайёра: Қуёш, Ой, Марс (Баҳром), Венера (Зуҳра), Меркурий (Уторуд), Юпитер (Муштарий), Сатурн (Зуҳал); етти жаннатосо гулшан, етти осмонсифат қаср, етти осмон.* Асар бошланишида муаллиф тушида *етти мустаҳкам гумбаз*ни кўради, *етти қаср* тасвири берилади, улардаги *етти донишманд*нинг *етти афсонаси*, етти гумбазнинг *етти ранг*далиги, *етти фалак*, ҳар бирининг ичида нур таратувчи *етти шамъи* борлиги эътиборимизни тортади. Алишер Навоий ўз асари орқали *етти ҳикоят*да *етти довон* (ақба)дан ошганини ёзади, бу ижодий жараён Фирдавсий "Шоҳнома"сидаги Рустамнинг *етти жанг*ига қиёсланади: чунки бу жанг воқеалари ҳам *етти кунда, етти жойда* содир бўлган эди.

Кўринадики, достондаги *еттиликлар* фақат асар композицияси ёки структурасига тегишли эмас. Достонда *етти* сюжет бир қолипловчи ҳикоя (Баҳром ва Дилором) ёрдамида бирлаштирилиши асарнинг ташқи архитектоник жиҳати холос. Еттиликлар моҳиятини англатиш йўлида акад. А.Қаюмов етти сайёҳга урғу бериб, ҳатто достонга бағишланган мақоласини "Етти саёҳатчи" деб атаган [3]. Проф. С.Ҳасанов эса достон номланиши "Сабъаи сайёр"ни "етти сайёра" деб ўзбекчалаштирса-да, "рақамларнинг рамзий жилвалари"ни шарҳлашга жиддий киришади [4]. Санъатшунос олим проф. О.Иброҳимов достондаги етти қаср рангларини мусиқадаги мақом ва пардалар орқали англатиш йўлидан боради [5].

Устоз олимларнинг Ҳазрат Навоийни англаш йўлларини қабул қилган ҳолда бу еттиликларни биз "Лисону-т-тайр" достонидаги етти водий ва тасаввуфдаги етти мақом билан боғлаб тушунишга ҳаракат қиламиз.

Дастлаб достонда баён қилинган еттиликларни зоҳиран тасаввур қилиш учун уларни қуйидаги чизмага жойлаштирдик:

Достоннинг бошланмасидаги

Йўл юрурга ўзумни чун туттум,
Етти бу навъ уқбодин ўттум

сўзлари ва достон қаҳрамонларининг етти мусофир (сайёҳ, ҳикоячи) қилиб белгиланиши тариқат йўлига кирган *солик*нинг етти мақомдан ўтиб, илоҳга қовушиши маъносига ишорадир *(мақсад ҳарамиға еттим).*

Достоннинг муқаддимаси ифодаланган (I-XI боблар) ва қолипловчи ҳикоя баёни-давоми (XII-XX боблар)да бу фикрни асословчи ишорат ва тамсиллар талайгина.

1-чизма



Тасаввуфда етти рангнинг ҳар бири муайян моҳиятни, сайру сулук йўлига кирган соликнинг Аллоҳга етишиш йўлидаги мақомини англатган. Бу ҳолат Шайх Нажмиддин Кубронинг “Фавойиҳу-л-жамол” рисоласида баён қилинган: “Аслида ранглар ҳолларнинг ранглари” бўлиб, бу ранглар соликнинг илоҳий сафаридаги мақомларини англатади. Сўфийнинг илоҳ томон сафари дастлаб *қоронғулик*да кечади [6], сўнг ёруғликка чиқиши мумкин.

“Сабъаи сайёр”да Пайғамбар (с.а.в.) наътидаги меърож кечаси, муаллифнинг тунда ухлаб туш кўриши, биринчи мусофир ҳикоясидаги қоронғулик, Фаррух эгнида қора либос (жанда) билан юриши, Ахийнинг саховатига жавобан дунё лаззатларидан воз кечиши в.б. ишоралар орқали соликнинг тариқат йўлига кириши тасвирланади.

Маълумки, “Лисону-т-тайр”да Талаб водийсининг сифати “солик ўз йўлида ғов бўладиган молу мулк ва бошқа нарсалардан воз кечишлик”да деб кўрсатилади:

Молу мулку ҳар недур соликка банд...
Ҳар неким ғайри талабдур ташламоқ,
Ўзни мақсад манзилиға бошламоқ.[7]

Проф.О.Иброҳимов мақом сўзининг моҳиятини “номукаммал ҳолатдан мукаммал ҳолатга қараб ривожланиш” деб тушунтиради. Шарқ халқларида 12 мақом мавжуд бўлиб, у бизгача тўла ҳолда етиб келмаган. Ана шундай нотўлиқ мақомлардан бирин чиси етти мақомнинг бошланғич бўлими бўлган Роҳавийни қайд қилади.

Биринчи ҳикояга ишланган миниатюра "Баҳром қора қасрда" деб номланади. Қора ранг олимнинг талқинича, “Роҳавий мақомининг шартли тимсолларидан бири”дир [5]. Демак, мусофир (солик)нинг Тавба мақомига кириб келиш йўли биринчи ҳикоятда ўз аксини топган. Бундаги етти ҳикоятни ва асардаги бошқа еттиликларни қуйи-дагича шарҳлаш мумкин.

Дастлаб, ҳар бир ҳикоя ўзида етти жиҳатни қамраб олишини кўришимиз мумкин. Бу ҳафтанинг *етти куни,* камалак таркибидаги *етти ранг, етти сайёра, етти сайёр (сайёҳ, яъни солик), Тасаввуфдаги етти мақом* (унинг биринчиси Тавба унга мос “Лисону-т-тайр”даги етти водий), мусиқадаги *етти парда (до, ре, ми...), мақомнинг* бошланиши (биринчиси Роҳавий бўлса), кейин ҳар бир қасрда *“Шашмақом”*нинг бири куйланади. Натижада худди шакл (тасвир)дагидек 7х7 симметрияси ҳосил бўлади.

Биринчи тасвирда (бу миниатюраларни рассом Камолиддин Беҳзод чизган) Баҳромнинг қора қасрда ҳикоя тинглаши Шанба кунига тўғри келади. Шу кеча саройда машшоқлар Роҳавий куйини чаладилар. Сатурн (Кайвон) одатда қора рангда тасвирланади. Унда мусофир (солик) Талаб водийсига киради. Бу водий талабларидан бири Тавбадир. Тавба мақоми тасаввуфдаги илк мақом бўлиб, унда аввалги хато ва гуноҳлари қайд этилиб, уларни такрорламасликка солик Аллоҳ олдида сўз беради. Биринчи мусофир ҳикоясида Фаррух эгнида қора либос (жанда) билан тасвирланади, Ахийнинг саховатига жавобан дунё лаззатларидан воз кечиши сабаби Тавба қилган, Талаб водийсига қадам қўйган соликнинг ҳолидир.

Якшанба куни Олтин қасрда Баҳром 2-иқлимдан келган мусофирнинг Ғайд ва Заҳҳаб ҳақидаги ҳикоясини тинглайди. Созандалар Ироқ мақомини чаладилар, маълум бўлишича, бу мақом “Ля” парда (нота)сидан бошланадиган мақомдир. Бу куни, яъни якшанбада Қуёш сайёраси буржга келади ва солик эса Ишқ водийсига қадам қўяди. Бу водий талаби Вараъ тасаввуф мақомида айтилганидек, Ҳаром ва ҳалолни фарқлаш даражасидан ўтиши лозим.

Учинчи, яъни душанба куни Баҳром Яшил саройда Шаҳрисабзда кечган Саъд ҳақидаги ҳикояни тинглайди. Учинчи мусофир ҳикоясини сўйлаётганда Ой буржга келади ва тунда ой, саройда эса Баҳром Навои мақомини тинглайди (бу мақомнинг “Ми” пардаси билан бошланадиган қисми тингланади). Бу фақру фано белгиси бўлиб, ҳикояда ҳам фақрлик мартабаси улуғланади. Солик эса руҳоний сафарда Истиғно водийсига қадам қўяди.

Тўртинчи (сешанба) Баҳром Қизил саройда тасвирланади. Тўртинчи мусофир ҳикояси Жуна ҳақида бўлиб, ҳикоя воқеаси Деҳлида кечади. Бурж Миррих сайёрасини кўрсатган бу тунда Ушшоқ мақомининг “Си” пардадан бошланадиган қисми чалинади. Солик Зуҳд мақомига эришиш учун йўлга тушади, бу мақомга эришиш Маърифат водийсида кечади.

Бешинчи (чоршанба) куни Баҳром Дилоромдан Жобир, Меҳр ва Суҳайл ҳақидаги ҳикояни тинглайди. Воқеа Яманда юз беради, Аторуд сайёраси буржга келадиган кун. Мусофир (қушлар тимсолида) Тавҳид (ёлғизланиш) водийсидан ўтади, соликнинг бу йўлдаги мақоми эса Сабр мақомидир. Тасаввуфдаги Сабр мақоми Бусалика мисиқий мақоми каби, энг эътиборли мақомлардан биридир.

Олтинчи (панжшанба) куни Баҳром Дилоромдан 6-мусофир ҳикоясини тинглайди. Ҳикоя Муқбир ва Мудбир ҳақида бўлиб, Шарқий ўлкалардан бирида содир бўлган. Баҳром Сандалранг (қаҳваранг) қасрга келиб, Зарифканд куйини тинглайди. Бу вақт Муштарий сайёраси буржга келади. Мусофир (қушлар) Ҳайрат водийсига қадам қўяди, солик Таваккул мақомига келади. Энди унинг иши Яратганга таваккул қилишдан иборат.

Еттинчи, Жума куни Шоҳ Баҳром Оқ қасрда Кофир (луғавий маъноси “оқ” – “баёз” дегани). Воқеа Хоразмда кечади, Зуҳра сайёраси буржга келади. “Сол” парда (нотаси)дан бошланувчи Рост мақоми куйи чалинади. Солик тасаввуфда Ризо мақомига келади, бу мақомда Солик қалбининг тозаланиб, у илоҳийлик касб этади ва Аллоҳга қўшилишга тайёр ҳолатга келади [8]. Камалакда оқ ранг, маълум маънода рангсизлик ҳамдир. Тасаввуфда рангсизлик Илоҳга қовушиш белгиси, яъни кишининг ўзлиги йўқолиб, у Илоҳ билан бирлашиши каби қабул қилинади. Бу воқеа Жума куни содир бўлади, Ислом оламида Жума (одина) кунига алоҳида эътибор мана шундандир.

Етти ҳикоя баёнидан кейин Ҳазрат Навоий яна қолипловчи ҳикоя Баҳром ва Дилоромга қайтади, уларнинг қиссасини якунлаб, шоир ёзади:

Дегонимни улусқа марғуб эт,
Ёзғонимни кўнгулга маҳбуб эт!

Тилга лафзини ногузор айла,
Дилға назмини дилпазир айла.

Гарчи тарихи эрди секкиз юз
Савсон ўтмиш эди янв тўққуз.

Ойи онинг Жумадийуссоний.
Панжшанба ёзилди унвони.

Варақу сатрин айлабон таъйин,
Байтини беш минг айладим тахмин.

Халққа зеби торак айла ани,
Ўқуғонга муборак айла ани.

(Ва ибтидода тилга олинган сўнгги якунловчи байт берилади, уни умумконтекстдан ажратмаган ҳолда қайта келтирдик)

Ети афлокни анга ёр эт!
Ети иқлим элин харидор эт!

Адабиётлар:

1.Алишер Навоий. Сабъаи сайёр / МАТ. 10-жилд. Т.: Фан, 1992. Б.442.
2.Хасанов С. Роман о Бахраме. Т., 1988. С.177-181.
3.Қаюмов А. Етти саёҳатчи / Асарлар. I жилд, 2-китоб. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2008. Б.138-242.4.
4.Ҳасанов С. Рақамларнинг рамзий жилвалари / Навоийнинг етти туҳфаси. Т., 1991. Б.152—160.
5.Иброҳимов О. Рангларда садоланган мақомлар / http://www.classicmusic.uz/maqomlar_uz.htm
6.Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. Т.: Мовароуннаҳр, 1998. Б. 128.
7.Алишер Навоий. Лисону-т-тайр / МАТ. 12-жилд. Т.: Фан, 1996. Б.214.
8.Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. – М., 1965. - С.38.

Ўзбекистон миллий университети,
2012 йил 6 январда қабул қилинган